

02 февраль 2024 йил

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
“УНИВЕРСАЛ БАНК”
АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Хурматли акциядорлар!

Акциядорлик тижорат банки “Универсал банк” Кузатув кенгашининг 2023 йил 11 декабрдаги Банк Устав капиталини 200 000 000 000 (икки юз миллиард) сўмга ошириш йўли билан номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўмлик 40 000 000 (қирқ миллион) дона оддий акцияларни чиқарилиши Ўзбекистон Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 31 январда Р0482-17-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини маълум қиламиз.

Акциялар чиқарилиши қарорига асосан Банк акциялари акциядорларга имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи тақдим этиш билан очиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилаётган акцияларни сотиб олишда Банк Уставининг 9.17. – бандига асосан банк овоз берувчи акциялари эгалари бўлган акциядорлар уларни ўзларига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасига асосан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Банк акцияларини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга шахсларнинг рўйхати 2024 йил 31 январь ҳолатига шакллантирилган банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

Акциялар 5 000 (беш минг) сўм нархда жойлаштирилади.

Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар акцияларни олиши тўғрисида ўзининг исми – шарифи (номи) ва яшаш жойи (жойлашган ери), ўзи оладиган акцияларнинг сони кўрсатилган ёзма шаклдаги аризани ва ҳақ тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатни Банкка юбориш орқали ўз имтиёзли ҳуқуқини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳақлидирлар. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати ичида Банкка тақдим этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 36 – моддасига асосан акцияларнинг имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи амал қилиш даврида тўловлар, юридик шахслар учун нақдсиз шаклида – пул ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар учун нақд – банк кассасига топшириш йўли билан ва нақдсиз шаклида – талаб қилиб олгунча депозит ҳисоб рақамлари орқали, шу жумладан пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилади, бунда акциялар учун пул маблағлари АТБ “Универсал банк” Амалиёт бошқармасидаги қуйидаги ҳисоб рақамга қабул қилинади: х/р 29896000600000973023, МФО 00973, СТИР 203 556 638, Банк жойлашган манзил: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шохрухобод кўчаси.

Жисмоний шахслар томонидан акциялар учун тўланадиган нақд пуллар қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари кассалари орқали амалга оширилиши мумкин.

АТБ «Универсал банк» акциядорлари олишга ҳақли бўлган акцияларнинг сонини аниқлаш тартиби қуйидаги формулага асосан аниқланади:

A/60 000 000 =B

40 000 000*B=C

Шунда:

60 000 000 – Банк устав капиталидаги умумий акциялар сони

40 000 000– Қўшимча чиқарилган акциялар умумий сони

A – Акциядорнинг Банк устав капиталидаги акциялари сони

B – Банк устав капиталига мутаносиб равишда акциялар сони

С – Имтиёзли ҳуқуқ қўлланилганда акциядор томонидан сотиб олинадиган акциялар сони

Қолдиқ ҳосил бўлган ҳолларда, қолдиқ сон 5 (беш) дан ортиқ бўлса кўпайган томонга, 5 (беш) дан кам бўлса камайган томонга бутланади.

Акциядорлар, қўшимча маълумотлар олиш учун банкнинг Қимматли коғозлар ва акциядорлар билан корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: +998 78 229-82-29 ички рақам:1071

**Ҳурмат билан,
Банк Бошқаруви**

АТБ «Универсал банк»
Бошқарув Раиси
А.А.Буваназаровга

АРИЗА

(Қўшимча чиқарилган акцияларни имтиёзли олиш тўғрисида)

_____ манзилида яшовчи (жойлашган) акциядор

_____ банкнинг 2024 йил 31 январда рўйхатга олинган №P0482-17-сонли қўшимча
чиқарилган номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган

_____ дона оддий акцияларини имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда сотиб
олишини маълум қилади.

Тўлов суммаси: _____ сўм;

Тўлов ҳужжати санаси ва рақами: _____ йил, № _____;

Акцияларни сотиб олиш учун тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги
тўлов ҳужжати иловада тақдим этилмоқда.

(Ф.И.О)

(имзо)

(сана)